

9-10-2020

## IMPROVING THE MODEL OF FORMING THE ECONOMIC COMPETENCE OF LEADERS OF A PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION

Gulnora Nurxanbetovna Nigmatova

*Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Nigmatova, Gulnora Nurxanbetovna (2020) "IMPROVING THE MODEL OF FORMING THE ECONOMIC COMPETENCE OF LEADERS OF A PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 61.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/61>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## IMPROVING THE MODEL OF FORMING THE ECONOMIC COMPETENCE OF LEADERS OF A PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРЛАРИ ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нигматова Гулнора Нурханбетовна

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, катта ўқитувчи

*Аннотация:* Ушбу мақолада таълим ва педагогик жараёнларни моделлаштириш кўриб чиқилган. Малака ошириш тизимида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлигини шакллантиришнинг тавсифи, мазмуни, технологияларига нисбатан бизнинг фикрларимизни тизимлаштиришга имкон берадиган ташкилий-дидактик модел баён этилган. Моделни самарали амалга оширишни таъминлайдиган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар баён қилинган.

*Калит сўзлар:* компетентлик, иқтисодий компетентлик, мактабгача таълим, моделлаштириш, такомиллаштириш.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОДЕЛИ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Нигматова Гулнора Нурханбетовна

Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений, старший преподаватель

*Аннотация:* В данной статье рассматривается моделирование образовательного и педагогического процессов, описана организационно-дидактическая модель, позволяющая систематизировать наши представления относительно характеристик, содержания, технологий формирования экономической компетентности руководителя дошкольного образовательного организация в системе повышения квалификации. Сформулированы организационно-педагогические условия, обеспечивающие эффективность реализации модели.

*Ключевые слова:* компетентность, экономическая компетентность, дошкольное образование, моделирование, совершенствование.

## IMPROVING THE MODEL OF FORMING THE ECONOMIC COMPETENCE OF LEADERS OF A PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION

Nigmatova Gulnora Nurxanbetovna

Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer

*Annotation:* This article examines the modeling of educational and pedagogical processes, describes an organizational and didactic model that allows us to systematize our ideas regarding the characteristics, content, technologies of forming the economic competence of the head of a preschool educational organization in the system of advanced training. Organizational and pedagogical conditions are formulated to ensure the effectiveness of the model implementation.

**Keywords:** *competence, economic competence, preschool education, modeling, improvement.*

Ҳозирги вақтда иқтисодий компетентлик муаммосини ишлаб чиқишнинг ижтимоий-иқтисодий манбалари сезиларли равишда кенгайди. Бу педагогик ҳодиса сифатида шахс иқтисодий компетентлигини ўрганиш заруратини кўзда тутади.

Иқтисодий компетентлик касбий компетентликнинг таркибий қисми бўлиб, ўзида шахснинг касбий қадриятли мотивациясини, иқтисодий билимлари ва маҳоратни, шунингдек, шахснинг ташкилий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлигини ва қобилиятини акс эттирувчи иқтисодий муҳим бўлган сифатларни ўз ичига оловчи интегратив сифат ҳисобланади [4].

Иқтисодий компетентлик ўзида динамик жараённи намоён қилиб, унда шахс нафақат иқтисодий маданият қадриятларини яратади ва истеъмол қилади, балки иқтисодий воқеликни ижодий жиҳатдан ҳам қайта ўзгартиради. Бизнинг фикримизга кўра, шахснинг иқтисодий компетентлиги бошқа турдаги компетентликларнинг муфассал тавсифи бўлиб ҳисобланади ва шу билан бир вақтнинг ўзида уларни ҳам ўз ичига олади, чунки шахс онгининг иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, маънавий, меҳнат, эстетик ва бошқа турлари ўзаро бир-бирлари билан жипс боғланиб кетган ҳолда шахс ягона онгининг ажралмас қисмлари бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлиги – бу шахснинг интеграл сифати бўлиб, у шахсда устун бўлган қадриятлар ва мотивлар билан тартибга солинадиган, таълим ташкилотининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун узлуксиз шахсий такомиллашиш жараёнида фаолият объектларини, иқтисодий мазмун-моҳиятни ярата билишга, раҳбарнинг олинган иқтисодий билимлар, маҳорат, тажриба, фаолиятнинг маълум усулларида фойдаланишга қобиллигини акс эттирадиган махсус (маркетинг, тадбиркорлик, хўжалик-ҳуқуқий) компетенцияларнинг жамланмаси билан тавсифланади [4].

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иқтисодий компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-дидактик модели раҳбарнинг иқтисодий компетентлигини шакллантиришнинг тавсифи, мазмуни, технологияларини ҳамда моделни самарали амалга оширишни таъминлайдиган ташкилий-педагогик шарт-шароитларни ифода этади.

Ҳозирги вақтда турли хил илмий соҳаларда ва йўналишларда моделлаштириш методи жуда кенг тарқалган. “Моделлаштириш” атамаси педагогика фанига техник билимлар соҳасидан кириб келган.

Моделлаштириш – бу реал объектни идеал, дастлабки объектга ўхшаш ёки бошқача тарздаги объект билан ўрнини алмаштириш жараёнидир. Бунда биринчи объект оригинал деб, иккинчиси эса модел деб аталади. Моделлаштириш давомида ўрганишни, таҳлилни соддалаштириш учун айрим дастлабки эҳтимоллик (тахмин)ликларга йўл қўйилади. Шунингдек, моделни тузиб чиқишда моделлаштириш назариясининг асосий қоидалари ҳисобга олинади: мақсадга

йўналтирилганлик, объектнинг ва моделнинг ўзаро ўхшашлиги, моделнинг тизимлилиги, моделлаштиришда объектив ва субъективнинг бирлиги, моделлаштиришнинг билишга доир ва шакллантирувчи функциялари [2, 32-б.].

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг иқтисодий компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-дидактик моделини тузиб чиқишда шуни ёдда тутиш лозимки, бу ерда гап етарлича мураккаб бўлган билиш объекти ҳақида бормоқда. Бу ерда биз таълим жараёнининг кўп жиҳатлилиги, кўп омиллилиги ва ўзгарувчанлигига боғлиқ ҳолда моделлаштиришга мурожаат қиламиз. Асосий ички элементлар сифатида модел ўз ичига машғулотларни ташкил этишнинг мақсади, мазмуни, шакли ва методлари, ўқитиш кўрсаткичлари ва натижалари каби ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган компонентларни олади [5].

Энг аввало, моделни тузиш учун чекловларни ва бир қатор йўл қўйиладиган хатоликларни ҳисобга олиш билан ташкилий тизим чегараларини аниқлаб оламиз.

Биринчи эҳтимоллик (тахмин). Малака ошириш тизимини биз ўз ичига мақсад, вазифа, мазмун, шакл, методлар, натижа ва уни баҳолаш мезонлари каби элементларни олувчи махсус ташкил этилган таълим тизими сифатида тушунамиз.

Иккинчи эҳтимоллик (тахмин)ни тавсифлаш учун тадқиқ қилинаётган феноменнинг қуйидаги объектив мураккабилкларини белгилаб оламиз:

- кўпчилик мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбарларида иқтисодий компетенциянинг мавжуд эмаслиги;
- ижтимоий институт сифатида умумий таълим тизимининг консервативлиги;
- мактабгача таълимни маблағлар билан таъминлашга давлатнинг мажбурлиги ва унинг бепуллик хусусияти ҳақидаги фикрлар;
- раҳбарларнинг кўпчилигида юқори ёш тўсиғининг мавжудлиги;
- мактабгача таълим тизими ходимларининг тадбиркорлик, маркетинг, молия масалалари ва шу кабиларга нисбатан ишончсизлиги, юзаки қарашлари;
- яккаҳоқимликнинг барқарор тартиби, ваколатларни узатишнинг паст даражаси, ўзининг алмаштириб бўлмаслигига қаттиқ ишонч ва “менсиз ҳамма нарса дабдала бўлади” хусусидаги эътиқоднинг кучлилиги;
- раҳбар бошқарувчилик фаолиятининг турлича стажга эгаллиги, таълим ташкилотининг типологияси ҳам таълим берувчи эътиборга олиши лозим бўлган иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги турли хил услуб, ёндашувларнинг келиб чиқишини шартлайди.

Юқорида баён этилганлар иккинчи эҳтимоллик (тахмин)ни белгилаб беради. Якуний натижага таъсир кўрсатувчи барча ташқи омиллар (физиологик ўзига хосликлар, раҳбарнинг ёши ва бошқарувчилик стажи, диплом бўйича мутахассислиги, раҳбарнинг ўз қўл остидаги жамоа билан муносабатлари, таълим ташкилотининг нуфузи ва ҳ.к.) кўп сонли бўлганлиги сабабли инкор этилади.

Учинчи эҳтимоллик (тахмин) таълим берувчи субъектга нисбатан чиқарилади. Биз фараз қиламизки, малака ошириш тизимида педагогик жараённи ташкил этувчи барча ўқитувчилар компетентли ёндашувни амалга ошириш ва мақсадга

эришиш учун етарли бўладиган шахсий касбий компетентлилик даражасига эгадирлар.

Мақтабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлигини шакллантиришни биз компетентли, шахсий-йўналтирилган, тизимли ёндашувлар позициясидан туриб махсус яратилган шарт-шароитлар таъсири остида таълим ташкилоти раҳбарининг онгидаги ўзгаришлар жамланмаси сифатида олиб қараймиз. Шакллантириш ҳам жараён, яъни, ҳодисаларнинг қонуниятли, кетма-кетликда ўзгариши бўлиб саналгани учун шунга мос ҳолда у яхлитлик, тузилманинг мавжудлиги, дискретлик, мураккаблик, тугалланмаганлик билан тавсифланади [6].

Биз раҳбарнинг иқтисодий компетентлиги шакллантирилишини ташқи (малака ошириш тизимида таълим олиш, муҳит) ва ички (тажриба, рефлексия) ҳолатлар таъсири остида унинг ижобий ўзгаришларидаги олга силжиш деб таърифлаймиз. Бу жараёни биз шунингдек, қуйидаги алоқа турлари: алоқа-пайдо бўлиш, алоқа-қайта ўзгартириш, алоқа-сингиб кириш ва алоқа-бошқариш кабилар билан таъминланадиган алоқа-жараён тарзида ифодалаймиз.

Таълим жараёнининг вазифаси бунда янги эҳтиёжларнинг шаклланишига кўмаклашиш (табиий даража), уларнинг мақсадлар даражасигача (таълимий даража) ва ўз-ўзини ифодалаш (фаолиятли даража)гача ошириб борилишига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Бу ерда ўқитувчининг (андрагогнинг) вазифаси маҳоратнинг шаклланишига ёрдам берувчи шарт-шароитларни яратиш (таълимий даража) ва уларнинг фаолият усулларида намоён бўлишига кўмаклашиш (фаолиятли даража)дан иборат бўлади.

Моделнинг инвариантли компоненти бўлиб малака ошириш тизимининг тамойиллари ҳисобланади [2].

Фасилитациялаш тамойили субъектларнинг келишилган ҳаракатларини энг аввало, мавжуд муаммолар ва қийинчиликларнинг сабабларини аниқлашга ва уларни бартараф этишга йўналтирилганлигини кўзда тутди.

Субъектлик тамойили ўқитувчи ва таълим олувчининг “мазмун ва методни долзарблаштириш йўли” билан синергиявий ўзаро ҳаракатлар ҳамкорлигида мақсадларга етишларини кўзда тутди.

Психологик қулайлик тамойили таълим олувчининг шакл ва методларни танлаб олишда эркинлигини таъминлайди, малака ошириш субъектларининг диққатини ишонч муҳитини яратишга ва уни қўллаб-қувватлашга, ижобий кайфиятга, шахсий ўсишнинг асоси сифатида ўзаро ҳурматга жамлайди.

Контекстлик тамойили касбий муаммоларни ҳал қилиш жараёни сифатида малака оширишни тавсифлайди. Бу тамойил ўқитувчиларни раҳбарнинг ҳаётий ва касбий муҳим мақсадлари, ролига таълим дастурларининг мослаб тузилишига йўналтиради.

Вариативлик тамойили таълим олувчиларнинг турли категорияларидаги мавжуд таълимий эҳтиёжларни ва амалга оширадиган таълим дастурларининг манзиллигини ҳисобга олишда намоён бўлади. Мана шу тамойилга мос ҳолда таълим олувчи ўзининг шахсий касбий муаммоларини (ўқитиш мазмуни, шакллари) ҳал қилишнинг ўз вариантини танлаб олади.

Рефлексивлик тамойили малака ошириш жараёнидаги субъектларни амалга оширилаётган ўзаро ҳаракатлар ва унинг натижаларини ўзи томонидан ўз таҳлил қилишга йўналтиради.

Биз ўйлаймизки, компетентлиликни шакллантириш тўртта – лойиҳаловчи, коррекцияловчи, шакллантирувчи ва рефлексив босқичлардан иборат циклик жараёндир. Ҳар бир босқич – ўзининг сифатли хусусиятларига эга бўладиган бирон-бир нарсанинг шаклланишидаги маълум бир поғонадир. Бундайин сифат фарқи ҳар бир босқичнинг ўзига хос мақсадлари ва вазифаларини, таълим жараёни субъектларининг ўзаро ҳаракатларидаги мазмунни ва методларни белгилаб беради. Умумий мақсадни ҳал қилиш самарадорлиги – раҳбарнинг иқтисодий компетентлигини шакллантириш - фақат ҳар бир босқичда таълим вазифаларининг самарали ҳал қилиниши билан таъминланиши мумкиндир.

Педагогикада шарт-шароитлар тадқиқ қилинаётган жараён билан бирга борадиган объектив имкониятлар, ҳолатлар ва чора-тадбирлар жамланмаси сифатида олиб қаралади. Улар маълум бир тартибда тузилмаланган ва белгиланган мақсадга эришишга йўналтирилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, қуйидаги шарт-шароитлар яратилса, мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлиги ижобий шаклланади:


- шахс даражасида иқтисодий компетентлигини шакллантиришда раҳбарнинг таълимга бўлган эҳтиёжлари;
- андрагогик таълим дастурини амалга ошириш учун модулли тизим;
- иқтисодий маҳоратни шакллантиришни мониторинг қилиш.

Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий шароитларида ўз йўналишини топа оладиган компетентли шахсни шакллантириш амалиётда бир томондан, таълим мазмунини, иккинчи томондан эса – педагогик технологияларни янгилаш воситасида амалга оширилиши мумкин. Катта ёшлиларнинг таълими назарияси ва амалиётида бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича ишлар тажрибалари тўпланган бўлиб, уларда ўқитишнинг блокли-модулли технологиялари ҳамда муаммоли-фаол методлари ўрин олгандир.

Ўқитишнинг блокли-модулли технологияси марказида таълим олувчи жойлашади, таълим берувчи эса унинг компетентлигини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Таълим берувчининг функциялари ахборотли-назорат функциясидан тортиб то маслаҳат-мувфиқлаштириш функциясигача вариацияланади. Ўқитиш жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳаракатлари модулар – тугалланган ахборотлар блоклари ёрдамида амалга оширилади. Ўқитиш методларини (таълим олувчи ва таълим берувчи субъектларнинг ўзаро ҳаракат усулларини, таълим олувчи томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш усулларини) танлаб олишда афзаллик муаммоли-фаол методларга берилади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлигини шакллантириш бўйича биз тузиб чиққан ташкилий-дидактик моделни 1-расмдагидек ифодалаш мумкин.





1-расм. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иқтисодий компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-дидактик модели

Шундай қилиб, мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлигини шакллантиришга йўналитириладиган малака ошириш бўйича таълим жараёнини моделлаштира туриб, биз назарий таҳлил давомида қуйидагиларни аниқладик:

1) Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлигини шакллантириш – бу ташқи (малака ошириш тизимидаги таълим жараёни, муҳит) ва ички (тажриба, рефлексия) ҳолатлар таъсири остида ижобий ўзгаришлар жараёнидир;

2) Малака ошириш жараёнида янги эҳтиёжларнинг шаклланиши, уларнинг мақсад даражасигача кўтарилиши ва ўз-ўзини белгилаш даражасигача ўсиб бориши, иқтисодий компетентликнинг шаклланиши ва унинг фаолият усулларида намоён бўлиши, иқтисодий-ҳуқуқий билимлар мазмунининг ортиб бориши рўй беради;

3) Раҳбарнинг иқтисодий компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-дидактик моделини самарали юзага чиқариш қуйидаги ташкилий-педагогик шарт-шароитлар билан таъминланади:

- раҳбарнинг шахсий даражада иқтисодий компетентликни шакллантиришдаги таълимий эҳтиёжи (ўз иқтисодий компетентлигини ривожлантиришга ижобий муносабат юзага келишига ёрдам берувчи раҳбарнинг малака оширишга мотивацион тайёрлиги);

- андрагогик таълим дастурини амалга оширишнинг модулли тизими (таълим жараёнининг барча субъектлари томонидан улар фаолиятининг раҳбардаги иқтисодий компетентликни шакллантириш сифатида англаниши; таълим берувчи ролининг ўқитувчиликдан тьюторликка қараб ўзгариши; муаммоли ўқув вазиятларининг яратилиши; таълим мазмунининг модулли тузилмаланиши);

- раҳбарнинг рефлексиясини ва малака ошириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи иқтисодий компетентликни шакллантириш жараёнининг мониторинг қилиб борилиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бенин В.Л. Экономическая составляющая (компетентность) педагогической культуры : учеб. пособие для студентов высш. и сред. спец. пед. учеб. заведений и слушателей системы повышения квалификации / В. Л. Бенин, Е. Ф. Орехов, А. Н. Нопов; Урал. гос. акад. физ. культуры и спорта, Ин-т экономики. - Челябинск : УралГАФК, 2004. - 231 с.
2. Зотова Н.К. Аттестация как способ повышения квалификации учителей: монография / И.К. Зотова. - Оренбург: Изд-во ООИУУ, 1997. - 96 с.
3. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: Сано-стандарт, 2015. –120 бет.
4. Хлопотова, Е.В. Формирование экономической компетентности будущего учителя технологии и предпринимательства : Автореф.дис.... канд. пед. Наук / Е.В. Хлопотова. - Челябинск, 2005. - 21 с.

5. Шарипова Э.Ф. Компетентностный подход в технологическом образовании: формирование общетехнологической компетенции будущих учителей: монография / Э.Ф. Шарипова. – Челябинск: Изд-во Челяб. гос. пед. ун-та, 2015. – 202 с.
6. Шишов С.Е. Понятие компетенции в контексте качества образования / С.Е. Шишов // Стандарты и мониторинг образования. - 1999. - № 2. - С. 15-20.

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА МУСТАҚИЛ  
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТЛАРНИ ЯРАТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

Пардаева Гулмира Абдуназаровна  
ТАТУ Қарши филиали “Ахборот-таълим технологиялари”  
катта ўқитувчиси  
E-mail: gulmira\_pardayeva@mail.ru

*Аннотация:* Мақолада ОТМ ларда масофавий таълим тизимини ташкил этишида мустақил ишларни қабул қилиш, улар устида қайта ишлаш, репродуктив ва продуктив алоқа ўрнатиш, кузатиш ва таққослаш, онлайн мулоқотни хосил қилишга оид дастурий ишланманинг модели келтирилган.

*Калит сўзлар:* масофавий таълим, ахборот технологиялари, Asset Sharable Content Object (SCO), интернет хизматлари, ADL (Advanced Distributed Learning).

**МЕТОДОЛОГИЯ СОЗДАНИЯ ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ ДЛЯ  
ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИЙ  
ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Пардаева Гулмира Абдуназаровна  
Каршинский филиал Ташкентского университета информационных технологий  
имени Мухаммада ал-Хоразми  
старший преподаватель

*Аннотация:* В статье представлена модель разработки программного обеспечения для организации дистанционного обучения в высшей школе, принятия самостоятельной работы, обработки, репродуктивного и продуктивного общения, наблюдения и сравнения, формирования онлайн-общения.

*Ключевые слова:* дистанционное обучение, информационные технологии, Asset Sharable Content Object (SCO), интернет-сервисы, ADL (Advanced Distributed Learning).

**METHODOLOGY OF CREATION OF SOFTWARE PRODUCTS FOR THE  
ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK ON THE BASIS OF DISTANCE  
EDUCATION TECHNOLOGIES**

Pardayeva Gulmira Abdunazarovna  
Karshi branch of Tashkent University of Information Technologies named after  
Muhammad al-Khwarizmi  
Senior Lecturer

61	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иқтисодий компетентлигини шакллантириш моделини такомиллаштириш Нигматова Г.Н .....	348
62	Масофавий таълим технологиялари асосида мустақил ишларни ташкил этишга оид дастурий маҳсулотларни яратиш методикаси Пардаева Г.А .....	355
63	Тасвирий фаолият жараёнида мактабгача ёшдаги болаларни ижодий ривожлантириш технологияси Пўлатов Ф.У .....	361
64	Моделлаштирилган ишлаб чиқариш муҳитида замонавий муҳандисларни тайёрлашни такомиллаштириш Сайдалиев И.Н .....	365
65	Иқтисодий масалаларни ҳал қилишда математик усулларнинг роли Сафарбаева Н.М .....	371
66	Туризм соҳаси ва таълим тизимининг ўзаро интеграция жараёни Халилов Б.А .....	375
67	Таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги Чориев И.А .....	380
68	Вояга етмаган ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт омилининг замонавий ижтимоий-педагогик жиҳатлари Сиддиқов Э.Б .....	384
69	Математика дарсларини лойиҳалаш методологиясининг баъзи элементларини ўқитишда ваколатларга асосланган ёндашув Кодиров К. Р, Нишонбоев А. С, Йигиталиев Й. У .....	390
70	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакаси ошириш моделини такомиллаштириш тамойиллари Қосимова Ш.Н .....	395
71	Бадий гимнастикада буюм билан бажариладиган машқларнинг алоҳида хусусиятлари. Холматов Н. У .....	400